

## Ҳамад Бин Халифа университети



15:41 / 06.06.2023 1085

«Қатар таълим, фан ва жамиятни ривожлантириш жамғармаси» (ҚФ) аъзоси Ҳамад Бин Халифа университети (ҲБКУ) 2010 йилда ҚФнинг инсон потенциалини очишга қаратилган қарашларини амалга оширишда давом этиш учун ташкил этилган. ҲБКУ маҳаллий тадқиқот ва магистратура университети бўлиб, Қатар ва минтақадаги ижобий ўзгаришлар учун катализатор бўлиб, глобал таъсир кўрсатади.

Қатар Жамғармасининг таълимни қайта тиклаш лойиҳасининг бир қисми сифатида ҲБКУ Қатарнинг инсон капиталига сармоя киритиш ва иқтисодиётни диверсификация қилишга ҳисса қўшиш стратегиясининг марказидир», дейди ҲБКУ президенти, доктор Аҳмад М. Ҳаснаҳ. — Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши юқори сифатли тадқиқот таълимни бериши мумкин бўлган танқидий фикрлаш ва кўникмаларни талаб қилади. Ушбу билим кўникмалари Қатарни иқтисодий, ижтимоий ва барқарор ривожланишга эришишда қўллаб-қувватлашда давом этмоқда. Бизнинг мақсадимиз юқори таъсирли тадқиқот натижаларини яратиш ва шу жумладан, сунъий интеллект, иқлим ўзгариши каби маълумотларни таҳлил қилиш бўйича барча мумкин бўлган саъй-ҳаракатларга раҳбарлик қилишдир.

Қатардаги Ҳамад Бин Халифа университети ҳақида умумий маълумот  
Ислом молияси бўйича магистратура (MS) - ислом ва анъанавий молия соҳасида сифат ва миқдорий таҳлил усулларини ўргатувчи махсус дастурдир. Ушбу машҳур магистрлик дастури бутун дунё бўйлаб ислом молиясига юқори даражада ихтисослашган кам сонли дастурлардан бири ҳисобланади. Ислом молиясининг назарий ва амалий жиҳатларига урғу бериш орқали талабалар глобал имкониятларни кўриб чиқиш ҳамда бизнес ва молия соҳаларида фаолият олиб бориш имкониятига эга бўладилар.

Қатарда ислом банкчилиги маҳаллий банк тизимининг тахминан 25 фоизини ташкил қилади.

«Ислом молияси бўйича магистратура» дастури аспирантларга бизнесда шариат талаблари амалий жиҳатдан қўлланилиши борасида кўпроқ тушунча беришга қаратилган.

Асосий курслар:

Ислом банк иши ва молия бозорлари;

Ислом молиявий шартномалари;

Ислом корпоратив молияси ва молия муҳандислиги;

Тадқиқот усуллари.

Education City ҳудудида жойлашган ҲБКУ, барча диққат марказларида мультидисциплинер ёндашувдан фойдаланган ҳолда, барча даражадаги ўқитиш ва ўрганишнинг ажралмас қисми бўлган сўров ва кашфиётлар учун мисли кўрилмаган имкониятларни тақдим этишга интилади.

ҲБКУ бойитилган академик тажриба ва инновацион тадқиқот экотизимлари орқали инсон салоҳиятини ошириш ва ривожлантириш орқали «Қатар Миллий Визён 2030»га эришишга фаол ҳисса қўшиш мажбуриятини олади. Билимга ижодкорликни қўллаш орқали талабалар маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ва глобал таъсир кўрсатадиган инновацион ечимларни кашф қилиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳамад Бин Халифа университетида – талабалар, профессор-ўқитувчилар, ходимлар, ҳамкорлар ва раҳбарият олий таълим ва тадқиқотнинг

давлатлар тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиш кучини ўз олдиларига мақсад қилганлар.

**Манба: [hbku.edu.qa/en](http://hbku.edu.qa/en)**